

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

72 Эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишда имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 16 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2195

(2011 йил 26 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон), Ўзбекистон Республикаси «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 91-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 26 августдаги ПФ–1831-сон «Хорижий сармоялари бўлган корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулот экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 1997 йил 10 октябрдаги ПФ–1871-сон «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2000 йил 5 июндаги ПФ–2613-сон «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 174-модда) фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий Макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–1245-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 560-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 245-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2000 й., 6-сон, 33-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишда имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) аниқлаш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат

рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2011 йил 23 январь,
113-сон

Р. АЗИМОВ**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2011 йил 23 январь,
2010-51-сон

Б. ПАРПИЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2011 йил 23 январдаги
113, 2010-51-сон қарорига
ИЛОВА

**Эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишда
имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш мақсадида
ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни,
хизматларни) аниқлаш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 32-моддасига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон), Ўзбекистон Республикаси «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 91-модда) 12-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 26 августдаги ПФ–1831-сон «Хорижий сармоялари бўлган корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулот экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 1997 йил 10 октябрдаги ПФ–1871-сон «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2000 йил 5 июндаги ПФ–2613-сон «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 174-модда) фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий Макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–1245-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 560-мод-

да), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2000 й., 6-сон, 33-модда) мувофиқ, ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишда қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш учун ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) аниқлаш қоидаларини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

товарларни экспорт қилиш — Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан товарларни, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қайта олиб кириш мажбуриятсиз олиб чиқиш;

ишларни (хизматларни) экспорт қилиш — ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) жойидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси томонидан чет давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси учун ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш.

2. Товарларнинг экспорт қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилардир:

контракт (контрактнинг белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси);

товарларни экспорт қилиш режимига чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг белги қўйилган божхона юк декларацияси;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ўтказиш пунктида жойлашган божхона органининг товарлар тайин этилган мамлакатга жўнатилганлигини тасдиқловчи қайд белгиси қўйилган товарга илова қилинадиган ҳужжатлар.

3. Ишлар ва хизматлар экспорт қилинганлиги факти ҳисобварақ-фактура ёхуд белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси билан тасдиқланади.

4. Товарлар экспортга воситачи (ишончли вакил) орқали воситачилик (топширик) шартномаси бўйича реализация қилинганда экспортни тасдиқлаш учун комитент (топширик берувчи) томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

солиқ тўловчи билан воситачи ёки ишончли вакил ўртасидаги воситачилик шартномаси ёки топширик шартномаси (шартноманинг кўчирма нусхаси);

солиқ тўловчининг топшириғига кўра (воситачилик шартномаси ёки топширик шартномасига мувофиқ) экспортга товарлар етказиб беришни амалга ошираётган шахснинг товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига етказиб бериш учун чет эллик шахс билан тузилган контракти (контрактнинг белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси);

товарларни экспорт режимига чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг белгиси қўйилган божхона юк декларациясининг кўчирма нусхаси.

5. Ўзи ишлаб чиқарган товар деганда корхона ўзи томонидан ишлаб чиқариш технологик жараёнини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиб ишлаб чиқарилган ёки қайта ишланган маҳсулот (жумладан ярим тайёр маҳсулот) тушунилади.

Ўзи ишлаб чиқарган иш (хизмат) деганда корхона томонидан ўз кучи билан бажарилган (кўрсатилган) иш (хизмат) тушунилади.

6. Қўйидагилар ишлаб чиқариш технологик жараёни бўлиб ҳисобланмайди:

сақлаш ёки транспортда ташиш вақтида товарларнинг сақланишини таъминлаш бўйича операциялар;

товарларни сотиш ва транспортда ташишга тайёрлаш бўйича операциялар (товар туркумини майдалаш, товарларни жўнатишни ташкил қилиш, саралаш, қайтадан ўраш, қадоқлаш).

II. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот тоифасига мансублиги фактини тасдиқлаш

7. Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот тоифасига мансублиги фактини тасдиқлаш учун ариза берувчи корхона давлат солиқ хизмати органларига ва бошқа ваколатли органларга ушбу Қоидаларга илова қилинган шакл бўйича Ариза-маълумотнома тақдим этади.

8. Ариза-маълумотнома тузилган контракт доирасида тайёр маҳсулот (хизматлар кўрсатишда (ишлар бажаришда) — ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар ҳажмига) ҳажмига (микдорига) берилади.

III. Яқунловчи қоидалар

9. Ариза-маълумотномада кўрсатилган маълумотларнинг ишончилиги учун ариза берувчи корхона жавобгардир.

10. Ушбу Қоидаларнинг 2, 3 ва 4-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар белгиланган тартибда ўтказилаётган текширув пайтида давлат солиқ хизмати органларининг талабларига кўра тақдим этилади.

11. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишилган.

*Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазирлиги*

Э. ҒАНИЕВ

2010 йил 25 декабрь

Эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишда имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) аниқлаш қоидаларига
ИЛОВА

АРИЗА-МАЪЛУМОТНОМА

(манзили бўйича жойлашган)

(ташкilotнинг тўлиқ номи)

1. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома

2. Ташкил этилган сана (кун/ой/йил)

3. СТИР

4. ХХТУТ

5. Телефон: код рақам

6. Шунини маълум қиламизки, қуйидаги маҳсулотлар:

№	Номи	ТИФ ТН коди	Реализация қилиш суммаси		Контрактнинг рақами ва санаси
			валютада	сўмда	
	жами				

Ўзимиз ишлаб чиқарган маҳсулот бўлиб ҳисобланади.

Маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончилигини тасдиқлайман:	
Раҳбар	
СТИР	<input type="text"/>
Ф.И.Ш.	<input type="text"/>
Имзо	<input type="text"/>
Бош бухгалтер	
СТИР	<input type="text"/>
Ф.И.Ш.	<input type="text"/>
Имзо	<input type="text"/>
Сана	<input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>
	(кк/оо/йй)

М.Ў.